Хасанов Шухрат Эркинбаевич

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бош инспектори, мустақил изланувчи
E-mail: suhamuzaffar@gmail.com
Тел.:914326868

ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг халқаро индексларда тутган ўрни, халқаро илмий ташкилотлар томонидан қайд этилган айрим хорижий давлатлардаги ўғрилик жиноятларининг қисқача таҳлили, ўғрилик жиноятларининг Республикамизда содир қилинаётган жиноятлардаги салмоғи, киберўғриликларнинг содир қилиниш усуллари ҳамда уларга қарши курашишнинг замонавий методлари, жумладан, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда “E-O’g’rilik” электрон тизимини яратиш ва амалиётга кенг жорий этиш, **“**ўғрилик жинояти содир қилишга мойил бўлган шахс” ва “ўғрилик жиноятларининг профилактикаси”га таърифлар ишлаб чиқилиб, ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ўғрилик жиноятлари, жиноятларни олдини олиш, профилактика, “E-O’g’rilik” электрон тизими, замонавий технологиялар, янги турдаги киберўғриликлар, инновацион ёндашувлар, “Кибермаданият” ва ҳуқуқий онг, сохта қўнғироқлар, блокчейн мониторинг тизими, ўғрилик жиноятларини олдини олиш.

СПОСОБЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЯ КРАЖА С ПОМОЩЬЮ СОВРЕМЕННЫХ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ.

Аннотация: В данной статье рассматриваются место Узбекистана в международных индексах, краткий анализ краж в некоторых зарубежных странах, зарегистрированных международными научными организациями, доля краж в преступлениях, совершаемых в нашей Республике, способы совершения киберкраж и современные методы борьбы с ними, включая создание электронной системы “E-O’g’rilik” для борьбы с данными видами преступлений.

Ключевые слова: кражи, предупреждение преступлений, профилактика, электронная система “E-O’g’rilik” современные технологии, новые виды киберкраж, инновационные подходы, “Киберкультура” и правовое сознание, фальшивые звонки, блокчейн-система мониторинга, предупреждение краж.

METHODS OF IMPROVING THE PREVENTION OF THEFT CRIMES THROUGH MODERN INNOVATIVE METHODS.

Abstract: This article provides a brief analysis of Uzbekistan's position in international indices, theft crimes recorded by international scientific organizations in some foreign countries, the proportion of theft crimes in crimes committed in our Republic, methods of committing cyberthefts and modern methods of combating them, including the creation of the “E-Theft” electronic system in combating this type of crime and practice, definitions of “person prone to committing theft” and “prevention of theft crimes” have been developed, and proposals have been made to prevent these types of crimes.

Keywords: Theft crimes, crime prevention, prevention, “E-Theft” electronic system, modern technologies, new types of cyber thefts, innovative approaches, “Cyber Culture” and legal awareness, fake calls, blockchain monitoring system, theft crime prevention.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодий негизининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда хилма-хил шакллардаги мулкнинг муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб, такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, қилмишнинг компьютер тизимига рухсатсиз кириб ҳамда нефть, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган ўғрилик учун жавобгарликни дифференциация қилиш, ўғриликнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш, виктимологик профилактикани яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодиёт асосларига қарши жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш»[1] қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ижтимоий ҳаёт даражаси сезиларли даражада яхшиланган, жиноятчиликнинг жиловланганлиги, барча маҳаллаларда хавфсиз, тинч ва осойишта муҳит яратиш, ҳудудларда илғор тажриба ва амалиётларни жорий этиш бўйича муҳим натижалар қўлга киритилганилигини эътироф этиш лозим.

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида жойлашган Иқтисодиёт ва тинчлик институти томонидан “**Safety Perceptions Index**” **хавфсизликни**

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

баҳолаш индекси[2] бўйича **2021–2024 йиллар оралиғида** мазкур рейтингда Ўзбекистон ўз тарихидаги **энг яхши натижани** *(146 та мамлакат орасида 29-ўрин)* қайд этиб, **хавфсиз давлат** деб тан олинган.

Бутунжаҳон одил судлов лойиҳаси *(World Justice Project–АҚШ)* ташкилоти томонидан ҳар йили ўтказиладиган Ҳуқуқ устуворлиги индексининг **Тартиб ва хавфсизлик индикатори**[3] бўйича Ўзбекистон 2024 йилда:

– дунёда **142 та** давлатлар орасида **17-ўринни**;

– Осиёда **49 та** мамлакатлар орасида **5-ўринни**;

– Шарқий Европа, Марказий Осиё, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари орасида эса **1-ўринни** эгаллаган.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳар **100 минг аҳолига** нисбатан содир этилган жиноятлар сони *(359,5 та)* бўйича **энг хавфсиз давлатлардан бири** ҳисобланмоқда.

Замонавий дунё инсониятга чексиз имкониятларни тақдим этиши билан бир қаторда, давлатлар хавфсизлигига **яширин таҳдидларнинг** пайдо бўлиши, **трансмиллий жиноятлар** ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг **ноқонуний айланишининг** кескин ортиши, иқтисодиёт асосларига қарши қаратилган жиноятлар ҳамда **кибержиноятларнинг** янгидан-янги кўринишларда намоён бўлиши каби салбий хавф-хатарларни ҳам юзага келтирмоқда.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг жиноятчилик ва одил судлов соҳасидаги тадқиқотлар институти маълумотига кўра, дунё бўйича содир этилаётган жиноятларнинг 60-65 фоизини ўғрилик жиноятлари ташкил этади.

Criminology Journal нашрида келтирилишича, Европада умумий жиноятчиликнинг 45-50 фоизини, АҚШда 40-45 фоизини, Осиё давлатларида 55-60 фоизини, Африка давлатларида 65-70 фоизини ўғрилик жиноятлари ташкил этади.

---

[2] https://www.numbeo.com/crime/rankings_by_country.jsp?title=2024&displayColumn=1

[3] https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/factors/2024/Order%20and%20Security/

The British Journal of Criminology томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларида ўғрилик жиноятларининг 70 фоизи жабрланувчиларнинг эҳтиётсизлиги ва бепарволиги туфайли содир этилаётганлиги қайд этилган.

Бугунги кунда рақамли технологиялар ривожланиши билан киберўғриликларнинг салмоғи ҳам ортиб бормоқда. **Harvard Law Review** маълумотига кўра, сўнгги 5 йилда анъанавий ўғриликлар 15-20 фоизга камайган бўлсада, киберўғриликлар 45-50 фоизга ошган.

Республикамизда 2024 йилда жами жиноятларнинг **80 фоиз**и қуйидаги жиноят турлари, яъни:

– **ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятлар** ***(44,4** фоиз, шундан **61,9** фоизи киберўғрилик, **35,7** фоизи киберфирибгарлик ва **2,2** фоизи бошқа жиноятлар);*

– **гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи** ***(9,3 фоиз)*;**

– **ўғрилик** ***(9 фоиз)*;**

– **йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятлар** ***(7,1 фоиз)*;**

– **фирибгарлик** ***(6,2 фоиз);***

– **қасддан баданга шикаст етказиш** ***(4,8 фоиз)*** жиноятларига тўғри келган.

Республикамиз миқёсида содир қилинаётган жиноятларнинг асосий қисмини ўғрилик жиноятлари ташкил қилаётганлиги, олди олиниши мумкин бўлган жиноятлар орасида ўғрилик жиноятларининг салмоғи юқорилигича қолаётганлиги, жумладан, **2024 йилда** олди олиниши мумкин бўлган жиноятларнинг асосий улушини **41,3 фоизи**ни ўғрилик жиноятлари ташкил этганлиги бунинг яққол мисолидир.

2024 йил давомида ўғрилик жинояти содир этган шахсларнинг асосий салмоғини яъни **9,7 фоизи**ни **18–30 ёшли ишсиз ёшлар** ҳамда **4,4 фоизини мастлик ҳолатидаги шахслар** ташкил этган.

2025 йилнинг 3 ойида эса судланганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг **21,2 фоизи**, мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларнинг

23,5 фоизи, шунингдек, **ёшлар томонидан** содир этилган жиноятларнинг **ҳар учинчисини**, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг **ҳар иккинчисини ўғрилик жиноятлари** ташкил этиши бу турдаги жиноятларининг асл омилларини илмий ёндашувлар асосида ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқишда замонавий инновацион усуллар орқали курашиш лозимлигини тақозо қилмоқда.

Ҳозирги кунда ўғрилик жиноятларини олдини олишда қуйидаги инновацион усуллар қўлланилмоқда:

- ✓ рақамли профилактика тизимлари (маълумотлар базалари ва ҳ.к);
- ✓ видеокузатув ва “ҳавфсиз шаҳар” технологиялари;
- ✓ ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот-ташвоқот ишлари;
- ✓ криминологик прогнозлаш моделлари.

Ушбу ёндашувлар профилактика самарадорлигини ошириш билан бирга, ресурслардан мақсадли фойдаланиш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Республика миқёсида олди олиниши мумкин бўлган жиноятлар орасида ўғрилик жиноятлари содир қилиниш тенденцияси юқорилиги, ўғрилик жиноятларига қарши курашиш ва уни барвақт олдини олиш, ўғрилик жиноятларини содир қилиши мумкин бўлган шахслар *(муқаддам судланганлар, профилактик ҳисобларда турганлар, ўғрилик жиноятини содир қилишга мойиллар ва ҳ.к)*, ҳамда ушбу жиноятдан жабрланиши мумкин бўлган шахслар билан манзилли профилактик ишларни сунъий интеллект ёрдами ва баҳолаши асосида амалга ошириш, шунингдек, ўғрилик жиноятларини олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳудудлар кесимида мониторинг қилиб, тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида белгилаб бориш мақсадида, **“E-O’g’rilik” электрон тизимини яратиш ва амалиётга кенг жорий этиш таклиф қилинади.**

“E-O’g’rilik” электрон тизимида қуйидаги маълумотларни шакллантириш кўзда тутилмоқда:

- ➢ Олдин ўғрилик жинояти билан судланган шахслар тўғрисидаги

маълумотлар;

➢ Ўғрилик жинояти содир қилишга мойил бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

Ўғрилик жинояти содир қилишга мойил бўлган шахс *– бу ўзининг ижтимоий хулқ-атвор қарашлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари ва ҳуқуқий онгининг етарли даражада шаклланмаганлиги, енгил йўл билан бойишга интилиши ҳамда шахсий манфаатни жамият манфаатидан устун қўйиши натижасида бошқаларнинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишга ички психологик тайёргарликка эга бўлган ва ижтимоий-иқтисодий муаммолари юқорилиги туфайли ўғрилик жинояти содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.*

➢ Ўғрилик жиноятидан жабрланганлар ва жабрланиши мумкин бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

➢ Ҳудуддаги ишсиз фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар;

➢ Ўғрилик жинояти билан судланганлар ва ушбу турдаги жиноятларни содир қилишга мойил бўлган шахсларнинг жойлашув харитаси;

➢ Ўғрилик жиноятларининг профилактикаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар:

Мисол учун: *камера ўрнатилиши керак бўлган жойлар, объектлар, ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган объектларнинг қўриқлаш пултига уланиш ҳолати, тарғибот-ташвиқот ишлари, ўғрилик жинояти содир этишга мойил бўлган шахсларга берилган огоҳлантириш хатлари ва ҳ.к.*

Тадқиқотимиз давомида ўғрилик жиноятларининг профилактикасига ҳам таъриф бериб ўтишни лозим деб топдик.

Ўғрилик жиноятларининг профилактикаси *– ўғрилик жиноятлариларини аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик*

профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

“E-O’g’rilik” электрон тизимини яратиш ва ишга тушириш айнан ўғрилик жиноятларига қарши курашиш ва уни олдини олиш борасидаги ишларни яхшилаш, ўғрилик жиноятларининг камайишига, шунингдек, муқаддам ўғрилик жинояти билан судланган, ўғрилик жинояти содир қилишга мойил бўлган, ушбу жиноятдан жабрланган ва жабрланиши мумкин бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳудудлар кесимида электрон базалари шаклланишига ҳамда ўғрилик жиноятларининг профилактикаси бўйича қилиниши лозим бўлган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида ушбу турдаги жиноятларнинг камайишига замин яратади десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, тадқиқотимиз давомида жиноятларга қарши курашнинг ноанъанавий усулларини қўллаш, хусусан, криминоген вазияти оғир бўлган маълум бир ҳудуд ва уйларнинг атроф-муҳитни ободонлаштириш орқали жиноятларни олдини олиш масалаларига эътибор қаратилди.

Мисол учун, Токио шаҳрининг кўп қаватли уйлар, хонадонлар зич жойлашган ҳудудларида 2023 йили 1700 та хонадон ўғрилиги қайд этилгани полиция ва ҳукуматни жиноятнинг мазкур турини олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича бош қотиришга мажбур қилган. Бошқа ҳудудларнинг илғор тажрибаси ўрганилганда ободонлаштирилган, гуллар экилган, боғлар барпо этилган ҳудудларда жиноятлар кам содир этилганлиги намоён бўлган. Ушбу ҳудуд масъуллари кенг жамоатчиликни жалб қилиб, ҳудудни ободлаштиришга катта эътибор қаратганлари натижасида умумий жиноятчилик 50 фоизга, хонадон ўғирлиги эса 80 фоизга камайишига эришилган. Дарҳақиқат 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарор ижросини таъминлаш бўйича Тошкент вилоятида ўтказилган илмий ўрганишлар давомида вилоят ҳудудида содир қилинган жиноятларнинг аксарияти овлоқ, ташландиқ, ёритилмаган жойларда содир қилинганлиги маълум бўлди.

Токио тажрибасининг Ўзбекистон шароитида қўлланилиши жиноятларни олдини олишда самарали усуллардан бири ҳисобланиши мумкин.

Шуни алоҳида айтишимиз лозимки, 2024 йилнинг 12 ойи давомида Республика миқёсида ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятлар жами жиноятларнинг 44,4 фоизини ташкил қилган бўлиб, шундан 35,7 фоизи киберфирибгарлик, 61,9 фоизи киберўғрилик жиноятларига тўғри келган. Бу эса киберўғрилик ва киберфирибгарлик жиноятларининг нақадар тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда замонавий технологиялар ривожланиши билан янги турдаги киберўғриликларга қарши курашиш учун инновацион ёндашувлар зарур:

- киберўғрилик жиноятини олдини олиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилиши лозим, жумладан, криптовалюта ўғрилигига қарши курашишда блокчейн мониторинг тизими жорий этиш, криптобиржалар фаолиятини назорат қилишнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш, шубҳали транзакцияларни аниқлаш тизимини яратиш давр талаби бўлиб бормоқда, ваҳоланки ҳозирда дунё бўйлаб пул кўчиришнинг **пайқаб бўлмас усуллари** сони тобора ортиб бормоқда;

- шахсий маълумотлар ўғрилигига қарши курашишда биометрик аутентификация тизимларини ривожлантириш лозим, амалдаги ҳолат эса 20 йиллик усуллардан бири ҳисобланади. Киберхавфсизлик бўйича аҳоли хабардорлигини оширишга қаратилган **амалий ишлар** етарли эмас;

- электрон тўловлар тизимидаги ўғриликларга қарши курашишда **транзакцияларни мониторинг қилиш**, уларни кузатиш амалиётини такомиллаштирилган усулларини жорий этиш лозим. Амалдаги тизимда кўпдан-кўп электрон тўловлар орқали ўтказилган транзакциялар ўғрилик, фирибгарлик йўллари билан қўлга киритилмоқда. Бироқ бу транзакциялар ғойиб бўлиши, уларни кузатиш имкони чекланганлиги бошқарув соҳамизда янги ислоҳотларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Таҳлилларга кўра, киберўғриликлар асосан қуйидаги 4 усулда содир этилмоқда:

1) зарарли ҳавола ва дастурлар юбориш орқали банк карта ёки мобил қурилма бошқарувини қўлга киритиш;

2) сохта (SIP) қўнғироқ орқали алдов йўли билан банк карта ва мобил иловалардаги аккаунтларнинг бошқарувини **“Тасдиқловчи SMS-код”ни қўлга киритиш;**

3) шахс номига онлайн кредит расмийлаштириш;

4) банклар ва тўлов ташкилотларининг техник заифликлари сабабли амалга оширилган.

Сохта (подмена) қўнғироқлар орқали алдовлар билан банк карта ҳамда мобиль иловалардаги аккаунтлар бошқарувини “Тасдиқловчи SMS-код”ни қўлга киритиш йўли билан содир этилаётган киберўғирлик жиноятлари тўлиқ бартараф этиш учун манзилли чоралар кўрилмаётганлиги сабабли улар йилдан-йилга кўпайиши кузатилмоқда.

Дунё бўйича сохта қўнғироқлар орқали ўзганинг мулки ва шахсга доир маълумотларини қўлга киритиш ҳуқуқбузарликлари ошиб бормоқда.

Жиноятчилар хориждан туриб, сохта (SIP) телефон рақамлар орқали *(гўёки миллий операторлар абонент рақамидан фойдаланиб амалга оширилгандек кўрсатиб)* қўнғироқ қилиб, ўзини банк ёки ҲМҚО ходими сифатида таништириши ҳамда ваҳимали *(номига онлайн кредит олинаётгани, картасидаги ёки омонатдаги пулига киберҳужум бўлаётганлиги ҳақида)* алдовлар билан фуқароларнинг банк карта ва тўлов иловасидаги аккаунти бошқарувини эгаллашмоқда.

Ушбу жиноятларнинг олдини олиш учун республикадаги барча миллий операторлар хориждан интернет тармоғи орқали амалга оширилган сохта қўнғироқларнинг олдини олиш технологияларини жорий этиш бўйича амалий ишларни йўлга қўйишлари лозим.

Хорижий тажриба таҳлили, сохта (подмена) қўнғироқлар орқали фирибгарлик ва фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини эгаллаш

ҳолатлари барча давлатларда кузатилаётганини ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича асосан 3 та чора қўлланилаётганини кўрсатмоқда:

1. Айрим давлатлар *(ХХР, БАА, Саудия Арабистони, Эрон)*да фирибгарлик ва ўғриликларнинг олдини олиш, миллий операторларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлатнинг тўлиқ назоратини таъминлаш мақсадида IP телефония хизматлари тўлиқ тақиқланган;

2. Аксарият *(АҚШ, ЕИ давлатлари, Ҳиндистон, Ж.Корея ва бошқа)* мамлакатларда IP телефония орқали сохта қўнғироқларга йўл қўйганлик юзасидан мобиль операторларнинг шахсий жавобгарлиги қонун билан белгиланган, шунингдек замонавий техник ечимлар жорий этилган;

IP телефония – бу овоз, видео ва маълумотларни рақамли шаклда интернет орқали узатиш; Телефон станциялари ўрнига серверлар ва софтфонлардан фойдаланиш; Уй телефонлари, IP телефонлар, компьютер, смартфон ёки гарнитура орқали қўнғироқ қилиш имконияти.

3. Мобиль операторлар сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали шубҳали қўнғироқларни аниқлаш ва автоматик блоклаш ёки қабул қилинувчини огоҳлантириб, блоклаш масаласини унинг ўзида қолдириш хизматларини кўрсатмоқда.

Таҳлилларга кўра, сохта (подмена) қўнғироқлар ва улар орқали содир этилаётган ўғриликларнинг олдини олишга қуйидаги омиллар тўсқинлик қилмоқда:

-IP телефония орқали сохта рақамлар орқали қўнғироқларни амалга ошириш қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган ва унга қарши курашиш тизими *(масъул муассасалар, мажбурият ва жавобгарликлар)* шаклланмаганлиги;

-IP телефония хизматларидан фойдаланишга рухсат берилган бўлсада, улар орқали сохта қўнғироқлар амалга оширишнинг олдини олиш бўйича технологик механизмнинг мавжуд эмаслиги;

-соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича халқаро ва икки томонлама ҳамкорликнинг замон талабида эмаслиги;

фуқароларда рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича “Кибермаданият” ва ҳуқуқий онг етишмаслиги. Ҳудудларда бу борадаги профилактик чора-тадбирларни етарлича ташкил этилмаганлиги, хусусан, фуқароларда онлайн тўловлардан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш, кибермаконда шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш ва шу каби бошқа масалаларда тушунчалар етишмайди;

профилактика инспекторларида кибержиноятларнинг олдининг олиш борасидаги билим, малака ва кўникмаларининг етарли эмаслиги. Ушбу ҳолатлар фуқаролар билан соҳа бўйича профилактик ишларни ташкил этишда услубий қийинчиликларни юзага келтирмоқда;

ҳудудларда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган ўғрилик жиноятларини аниқлаш ва барвақт олдини олишга қаратилган автоматлаштирилган тезкор-ахборот тизимларининг мавжуд эмаслиги.

Таҳлилларга кўра, кибержиноятларга ёшлар кўпроқ аралашиб қолмоқда. Шунинг учун ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш учун қуйидагилар таклиф қилинади:

- **Ўқув тизимида киберхавфсизлик фанларини жорий этиш.** Бу нафақат ёшлар, балки таълим муассасалари зиммасига ўқувчиларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган турли тўгараклар, қизиқишлари бўйича клублар, секцияларни ташкил этиш вазифасини юклаш, шунингдек, мақсади ва асосий вазифаларига юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга ва ватанпарварлик туйғусига эга интеллектуал ривожланган ёшларни тарбиялаш ҳамда она Ватан келажаги учун ўзига масъулиятни оладиган, Ватан шаънини ҳимоя қилишга тайёр, мустаҳкам қараш ва қатъий фуқаролик позициясига эга ўқувчи-ёшларни тайёрлаш вазифасини юклатилиши;
- Рақамли этикет қоидаларини ёшларга тушунтириш кибержиноятларнинг олдини олишга катта ҳисса қўшади;
- Ёшлар орасида онлайн ўйинларнинг кенг оммалашуви уларга кибержиноятчилар учун қулай нишонга айланишига олиб келмоқда. Онлайн

ўйинлар ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Шу билан бирга, улар кибержиноятлар учун қулай платформа вазифасини бажармоқда.

Ўйинларга ҳаддан ташқари қарамлик ёшларнинг психологик ва иқтисодий муаммоларга дучор бўлишига олиб келмоқда.

Ушбу жараён ёшларни молиявий қарздорликка олиб келиб, уларнинг ноқонуний фаолиятга жалб қилинишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун ёшларнинг онлайн ўйинлардаги фаолиятини кузатиб бориш тизимларини яратиш зарур.

Бундан ташқари вояга етмаганлар ва ёшларларда жиноий хулқ-атворнинг шаклланишига олиб келадиган омилларни бартараф этиш ва уларда ижобий хулқ-атворни шакллантириш учун аввало ота-она, мактаб, маҳалла, ички ишлар, болалар бўйича идоралараро комиссиялар, жамоат бирлашмалари, соғлиқни сақлаш муассасалари олдида бир қанча вазифалар мавжуд булар:

Биринчидан, боланинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун унинг яшаш жойида ижодий уйлар ва спорт иншоотлари ҳамда тўгаракларини ташкил этиб, ушбу масканда яшовчи барча болаларни жалб этиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, ҳар ойда камида битта спорт тури бўйича мусобақалар ёки бадиий-ижодиёт кечаларини ўтказиш;

Иккинчидан, намунали хулқли, мактабда аъло баҳоларга ўқиётган, спорт мусобақалари ва бадиий-ижодиёт кечаларида ўзини ижобий кўрсатаётган намунали болаларни доимо рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

Учинчидан, болаларнинг интернет, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиб, ушбу қоидаларга риоя этилишини доимий назоратга олиш;

Тўртинчидан, хулқи бузилган, дарсларни мунтазам сабабсиз қолдираётган, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга

жорий этиш орқали баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етмаганларда ижобий хулқ-атворни шакллантириш.

Юқоридаги таклифларнинг амалиётга кенг жорий этилиши бу турдаги жиноятларнинг олдини олишда муҳим туртки бўлиб ҳисобланади деб ўйлаймиз.

Фойдалинилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститусияси. Расмий нашр.– Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

3. Жиноятчилик тенденциялари ва омиллари давлат ҳисоботлари (2024 йил бўйича): Ахборот-таҳлилий ҳужжат. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2025.

4. Криминологик тадқиқотлар давлат ҳисоботи: Ахборот-таҳлилий ҳужжат. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2025.

5. “Криминологиянинг долзарб масалалари: Вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилиги ҳамда кибермакон” мавзусида республика илмий-амалий конференция тўплами. Криминология тадқиқот институти.: Тошкент-2024 й.

6. https://www.numbeo.com/crime/rankings_by_country.jsp?title=2024&displayColumn=1

7. https//worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/factors/2024/Order%20and%20Security/

8. https://uz.wikipedia.org/wiki

9. https://www.cpted.net/ The International Crime Prevention Through Yenvironmental Design (CPTED)